



У икки ой давомида катта кийинчиликлар эвазига белгиланган жойларда бўлиб, керакли маълумотлар тўплаш олди. Ўзи кейинчалик ахборотида қайд қилганидек, «саёхатимда ишнинг яхши чиқиши учун ўзимни у ерлик халкка Андижондан келган савдо вакили қилиб кўрсатиб юрдим ва иш орасида Бухоро ва Хивадаги мадрасаларни ҳамда авлиёлар мазорларини зиёрат қилишга тилагим борлигини сўрадим» дейди.

Айгокчи махфий маълумот тўплаш жараёнида ўзини андижонлик савдогар никобида кўрсатсада, Фаргона харбий губернаторига 1909 йил 8 ноябр куни топширган маълумотномаси тагига ҳам ўз номини яшириб, факат таржимон Оти Бўлин деб имзо чекади. Унинг мадраса ва авлиёлар мазорларида бўлиб, улар фикрини ўрганиши бежиз эмас эди. Негаки, ўша даврда бутун халкнинг рухияти ислом дини асосида, фикрлашиям шариат қонун-қоидалари бўйича шаклланганди. Шу боис уламолар халқўртасида обрў эътиборли зотлар бўлиб, халкка таъсир ўтказувчи қучли тоифа эди. Махфий ахборотда айгокчи бу ҳақда шундай ёзади:

«Ўзимга керакли бўлган маълумотларни мадрасалардан тўплашга тиришдим. Ушбу мадрасаларнинг Ўрта Осиё мусулмонлари учун гоётда катта аҳамияти бор.

Мадрасаларда таҳсилда бўлган мулласларнинг фикрлари ва уларнинг халқ билан бўлгон муносабатлари ила танишганда таажжуб қилмай мумкин эмасдурки, улар истикболнинг халқ етакчилари бўлганлари ҳолда, қора халқ билан қилган муомилаларида ўзларини юқори ҳис қиладилар».

Бўлажак уламолар тоифасининг халқ билан муносабатини айгокчи зийраклик ила қузатган. Шу қаби Туркия ва Эрондаги ўзгаришлар, бу ҳақдаги маҳаллий халқнинг фикрини ҳам обдон ўрганади. Унинг тўплаган маълумотларига кўра, «Туркия ва Эронда бўлган сиёсий инқилоблар у ердаги мадрасалардан аж-ратишиб, вақфлар билан кун кўратургон уламо синфи ўз қучи билан кун кўришга мажбур бўлгондин сўнг, бу ҳол бошқалар елкасида ризқланатургон мулласларга албатта, оғир ва шунинг учун Бухоро уламолари Эрон ва Туркияда бўлган инқилобни Аллоҳ ва Қуръоннинг амрига, деб мазкур инқилоблар тўғрисида авомга ҳеч бир маълумот бермайдилар».

Айгокчи яна мадрасалардаги мулла, оҳун ва талабаларнинг Эрон ва Туркиядаги воқеалар билан яхши танишлиги, авом халқни бу ҳолдан оғох қилмоғини эса ўзича

шундай таърифлайди: «Мударрис ва муллалар ҳамон бурунгича эски фикрда колмишлар, бу холнинг сабаби билан тахмин килинганлар, мулла мударрислар ҳеч бир иш-куч сарф қилмай вақфлар ҳисобига яшаб келадилар»

Ахборотда қайд қилинишига кўра, 1909 йилда Бухоро амирлигида 450 мадраса бўлиб, буларнинг 400 таси пойтахтда, 2 таси Карманада, 2 таси Чоржуйда, 4 таси Қарши шаҳарларида, қолганлари бекликларда бўлган.

Айгокчининг қузатишича, уламоларнинг амир билан муносабати ўша вақтда бироз ёмон бўлган. Бунинг сабабини аниқлаб, у шундай келтиради: «Уламоларнинг амирдан ҳафа бўлишларининг сабаби ҳам рус фуқароларига эски Бухорода ҳамда Чоржуйда фотиҳона ва майхона очишга рухсат беришидир. Фотиҳона ва майхоналар дин ва халқ ахлоқини бузди, дейдилар. Масалан, эски Бухорода Россия фуқароси бўлган бир грузин ошона очиб, амир бунга ҳафтасига бир челақ ҳам (спиртли ичимлик), икки челақ пиво сотишига рухсат берган, лекин уламоларнинг айтишича, ичкилик ичувчилар жуда кўп бўлганлигидан грузин рухсат қилинган микдордан ортиқ ичгулик сотар экан. Ўзим ҳам у ерлик халқнинг раиятларидан яшириниб, пасткам уйларда ичкилик ичиб юрганларини жуда кўп мартаба учратдим».

Айгокчи, шунингдек, Бухорога Боқудан «Иттифок», Оренбургдан «Вақт» қаби газеталар ҳамда ҳажвий руҳдаги Боқуда нашр қилинадиган «Мулла Насриддин» журналининг олиб қелиб тарқатилишини ҳам айтиб ўтади. Шу қаби пойтахтда иккита китоб омабори борлиги, омаборлар китоб билан таъминланишини, китобларнинг аксарияти Истанбул ва Бомбеида нашр этилиб, аксарияти диний эканлигини, инқилобий руҳдаги сиёсий китоблар тарқалмаганини аниқлаган.

Айгокчи Бухоро бозорларидан керакли маълумотларни ололмади. «Сабаби эса қишлоқлардан шаҳарга иш билан қелган дехқонларнинг сўзлашиб ўтиришга вақтлари йўқдур. Кейин сиёсатдан гапиришга амирнинг ҳуфияларидан кўрақдурлар, чунки амирнинг ҳуфиялари кўп бўлиб, сиёсий бир гап эшитсалар, ушлаб даров зиндонга соладилар. Бозордан кўра қишлоқларнинг уйларида қилинадургон мусохабалардан яхши маълумот олиш қулайдур. Чунки уй ичида ҳуфия йўқ, уй эгаси эркин ҳар гапни сўзлай берадир» дея изохлайди у.

Айгокчи шунингдек, амирликдаги солиқ тизими, дехқонларнинг бу ҳолга муносабатини таъкидлаб, қотнинг мажбурийлигиям халққа оғир юк бўлаётганини айтади.

«Дехқонларнинг қалла сотган қоларида тўлайтургон «қашина»ларини ҳам эътиборга олсак, бутун оғирлик қакат дехқон устига тушганлигини кўрамиз».

Шу сингари амир ҳарамига қиройли қизларнинг қелтирилаётгани "у қизларни йигиб юратургон махсус хотинлар бор. Улар қўлларига тушган қизни пул баробаригагина озод қиладилар ва қайсиларини ўзга юртларга олиб қориб қотадилар" дейди айгокчи.

Амирликдаги фуқароларнинг аскарий хизматга қортилиши «бу хизмат бекларнинг ҳусусий хизматларини қилишдан иборат» лигини ҳам айгокчи қузатиб юрган. Шу қаби «Бухорода бекларнинг нуфузи жуда қаттадир, улар ўз даҳаларида бўлган халққа қандай бўлса бўлсун, қазо қеришга қодирлар» дея қойлардаги бекларнинг бошқарув усулини ҳам ахбороти-да ёритади.

Умуман, Қор ҳуқуматининг Туркистон қандармерияси айгоққиси 1909 йил августида Бухорода бўлиб, амирликнинг ижтимоий, сиёсий, диний, маданият ҳаётини қузатиб, Фаргона ҳарбий губернаторига махфий ахборот тақдим қилади. Ушбу ахборот қарчи қосус нигоҳи билан қузатилган қолдан иборат бўлса ҳам XX аср бошларидаги Бухородаги вазият ҳақидаги манба бўлиб қолди ва орадан йиллар ўтиб, «Маданият ва

турмуш» журналининг 1924 йил май сонида чоп этилади.

Умид Бекмухаммад